

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Таджибаева Умида Темуровна

Тошкент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали 3-курс талабаси

Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна

Илмий раҳбар: Тошкент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди
xgulnora@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг вужудга келиши, миллий ва халқаро қонунчилик асосида таҳлил қилинган ва фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқари билан боғлиқ муаммолар очиқ берилган.

Калит сўз ва иборалар: моддий таъминоти, иқтисодий ҳуқуқлар, халқаро ҳужжат, Декларация, мулкдор, меҳнат таътили, халқаро Пакт, пенсия таъминоти.

Таджибаева Умида Темуровна

Студент 3-курса Специализированного
филиала Ташкентского государственного
юридического университета

Научный руководитель:

Гулнора Худайбердиева

Доцент Специализированного филиала
Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук

xgulnora@gmail.com



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

Аннотация: В статье анализируется появление экономических и социальных прав граждан в Конституции Республики Узбекистан на основе национального и международного законодательства и раскрываются проблемы, связанные с экономическими и социальными правами граждан

Ключевые слова и выражения: material security, economic rights, international document, declaration, owner, labor leave, international pact, pension provision.

Таджибаева Умида Темуровна
3rd year student of the Specialized Branch
Tashkent State Legal university
Supervisor:
Gulnora KHUDAIBERDIEVA
Associate professor of the Specialized Branch
Tashkent State Law University,
Candidate of legal sciences
xgulnora@gmail.com

Annotation: The article analyzes the emergence of economic and social rights of citizens in the Constitution of the Republic of Uzbekistan on the basis of national and international legislation and reveals the problems associated with the economic and social right of citizens.

Key words: material security, economic rights, international document, declaration, owner, labor leave, international pact, pension provision.

Инсонлар дунёга келиши билан маълум моддий таъминот олиши зарур. У ҳар бир шахнинг яшаши, ҳаётини давом эттириши учун зарур бўлган эҳтиёждир. Кишилиқ жамиятининг ҳар бир босқичида инсонларнинг яшаш шароити унинг иқтисодий маъқеи билан боғлиқдир.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши билан ижтимоий жиҳатдан одамларни ҳимоя қилишга қаратилган бозор иқтисодиётига ўтиши хўжалиқ тизимида қарор топадиган бутун муносабатлар мажмуининг туб ўзгаришлари билан боғлиқдир.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Халқаро ҳужжатларда бу ҳуқуқларнинг мустаҳкамланиши миллий қонунчиликларда ўз аксини топишида замин ҳисобланади. Халқаро ҳужжатларда бу ҳуқуқлар инсоннинг энг олий кадриятлари, унинг яшаш манбаи сифатида белгиланган. Мулк инсонга тегишли ва унинг хоҳиши билан тасарруф этилади. Мулкка эгалик қилиш инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари пайдо бўлишини таъминлайди.

Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари унинг яшашини таъминлашга, турмуш тарзини яхшилашга, соғлиғини тиклашга, билимини оширишга, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Халқаро ҳужжатларда инсоннинг бу ҳуқуқлари умумий тушунчалар билан, назарий жиҳатдан мустаҳкамланган. Бу назарий тушунчалар Конституциямизнинг асосида турди.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республика Конституциясининг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» деб, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий меъёр даражасига кўтарилди. Бу ҳуқуқ Конституциядан ташқари республикамизнинг мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Ҳозирги кунда инсонларнинг, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи Фуқаролик кодекс ва мулкчилик тўғрисидаги қонунга мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи деб белгиланди. Уларнинг мулки ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан, ўз хўжалигини юритишдан олинган даромадлар, кредит ташкилотлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга сарфланган маблағлардан келадиган даромадлар, мерос олиш ва қонунларда таъқиқланмаган бошқа ҳар қандай асосда вужудга келади. Хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари таркиби, миқдори ва қиймати жиҳатидан чекланмайди.

Конституциянинг 53- моддасига асосан «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин», дейилган. Бу модда инсонларнинг мулк ҳуқуқини асосий қонун даражасида қафолатлайди.

Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари – муайян жамиятда инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларини аниқловчи



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндисидир. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳисобланган шахсий ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради. Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари республикамизнинг мустақилликка эришиши билан ўзига хос аҳамият касб этиб, янги ривожланиш босқичига кирди. Чунки республикамизнинг собиқ Иттифоқ даврида бўлган вақтида инсон ҳуқуқларига бир томонлама ёндошилиб, улар поймол қилинди. Бу даврда қонун устуворлиги тамойили ҳамда қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга амал қилинмади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган бўлиб, улар давлат томонидан ҳимоя қилинади ва кафолатланади. Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар мулкӣ, хўжалик юритиш ва меҳнат муносабатлари соҳаларига қараб қўйидагиларга бўлинади:

1. хусусий мулк ҳуқуқи;
2. ворислик (мерос) ҳуқуқи;
3. тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги;
4. корхона бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи;
5. меҳнат қилиш ҳуқуқи;
6. ишсизликдан ҳимоялаш ҳуқуқи;
7. меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқи.

Инсон ҳуқуқларининг яна бир йўналиши бу ижтимоий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликларидир. Улар ҳам инсоннинг ишлаши, унинг камол топиши учун жуда муҳим бўлиб, давлатнинг олиб бораётган сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида ижтимоий муҳофаза масаласи одилона ҳал этилмоқда.

Шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари деб, шахсга маълум шароитда давлатдан муайян ёрдам олиш имконини берадиган инсоннинг (ёки давлат (фуқаросининг) конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг йиғиндиси)га айтилади.

Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар қўйидагилардан иборат:

1. ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи;
2. билим олиш ҳуқуқи;
3. соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи;
4. турар-жой ҳуқуқи;



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

5. ижод эркинлиги;
6. маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи;
7. ижтимоий суғурта ҳуқуқи.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини амалга оширишда тадбирлар амалга оширилди. Уларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминот, соғлиқни сақлаш, билим бериш ва бошқа масалалар ижобий ҳал этилмоқда.

Инсонларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ер тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, давлат мулкни монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, аҳоли бандлиги тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунлар, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ва ҳужжатлар ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонунлар шахсининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан бирга уларни кафолатлайди.

Бизга маълумки, ҳар бир ҳуқуқ ва эркинлик ўз-ўзидан амалга оширилавермайди. Бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалда оғишмай қўллаш учун кўшимча қонунлар ҳам қабул қилинган.

Асосий қонунимизнинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб белгилаб қўйилган. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланганини англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги институт сифатида “Халқ қабулхоналари”, “Ишонч телефонлари”, “Сайёр судлар”, ҳоким ва тўрт сектор раҳбарлари ҳамкорлигида халқ дарду-ташвиши, муаммолари тингланиб ҳал қилинаётгани Бош Қомусимизда белгиланган тамойилларнинг ҳаётда тўла рўёбга чиқаётганини яққол ифода этади.

Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари бошқа ҳуқуқлари каби бузилганда инсонга уни тиклаш йўллари кафолатланган. Инсон бу



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

хуқуқларини бузилган ёки етарли даражада риоя этилмаёпти, деб ҳисоблаган вақтдан бошлаб у ўз хуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилиш хуқуқига ҳам эга.

Инсоннинг мулкига қилинган тажовуз бўладими, ижтимоий таъминот олиш хуқуқими, соғлигини сақлаш ва тиббий ёрдам олиш хуқуқими, турар-жой хуқуқими ва хуқуқларими улар албатта бузилганда суд орқали тикланиши кафолатланган. Амалда фуқаролар ўз хуқуқларини яхши билмаганлари туфайли бу хуқуқларини тиклашни сўраб ҳокимиятлар ёки бошқа маъмурий идораларга борадилар, қимматли вақтларини хуқуқларини тиклаш йўлларида ўтказадилар.

Ўйлардикки, ҳар бир инсон ўзига тегишли хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бевосита суд органларига мурожаат қилсалар, уларнинг конституциявий хуқуқлари амалда давлат ҳокимиятининг органларида ҳимоя қилинади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2022 (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Uzbekistan, 2022).
2. Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 22.08.2003 йилдаги 364-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026” йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони ПФ-60, 28 январь 2022 й.
4. Amanmurodovna, X. G. (2022). O ‘ZBEKISTONDA ODIL SUDLOVNING TA’MINLANGANLIGI DARAJASI. *PEDAGOGS jurnali*, 3(2), 214-224.
5. Худайбердиева, Г. А. (2021, October). ТУРДОШ ХУҚУҚЛАР СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ ХУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРТНОМАВИЙ-ХУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online)* (Vol. 1, No. 1).
6. Gulnora, K. (2022, March). FEATURES OF MANAGEMENT OF AUTHORS’PROPERTY RIGHTS ON A COLLECTIVE BASIS. In *Conference Zone* (pp. 100-104).
7. Зиядуллаев, М. (2021). Сильная социальная защита требование времени. *Общество и инновации*, 2(5), 64-68.

